Ozbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Ishtixon tumani
H O K I M I
QARORI

Р Е Ш Е Н И Е
Х О К И М А
Иштыханского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

47

40704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
'el.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704,г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2016 у.г «4» июл № 2244-з Ishtixon sh.-г.Иштыхан

**Ҳакикат ҚФЙ Касавали кишлогидан фукаро Маманаварова Мархабохонга "Суъний копламали стадион" куриш учун ер майдони ажратиш тўгрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 285-сонли Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш артиботларини ва курилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида"ги, карорни ижросини таъминлаш максадида Самарканд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 18 июндаги 03/3-352-сонли, 1-сонли баённомасига асосан, фукаро Маманазарова Мархабохоннинг танлов голиби деб эътироф этилган баённомани, Давархитекткурилиш кўмитасининг Регламентига асосан "Суъний копламали стадион" объектини жойлаштириш бўйича "Қишлоккурилишлойиха" МЧЖдан олинган 2016 йил 25 мартдаги 03-1688-858-сонли ижобий хулосани, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 1-сонли далолатномасини ўрганиб чикиб

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Самарканд вилоят хокимлиги танлов комиссиясининг 2016 йил 18 июндаги 03/3-352-сонли, 1-сонли баённомаси, Давархитекткурилиш кўмитасининг Регламентига асосан "Суъний копламали стадион" объектни жойлаштириш бўйича "Қишлоккурилишлойиҳа" МЧЖдан олинган 2016 йил 25 мартдаги 03-1688-858-сонли ижобий хулоса, туман ер участкалари бериш (реализация килиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 10 апрелдаги 1-сонли далолатномаси маълумот учун кабул килинсин

2. Ҳакикат ҚФЙ Касавали кишлоги худудида жойлашган кишлок хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман хокимлиги захира фонди ер майдонидан фукаро Маманазарова Мархабохонга "Суъний копламали стадион" куриш учун 2000,0 (икки минг) кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш хукуки билан ажратилсин.

3. Фукаро Маманазарова Мархабохонга ажратилган ер майдонида "Суъний копламали стадион" куриш бўйича белгиланган тартибда вилдоят табиатни мухофаза қилиш кўмитасидан давлат экологик экспертиза хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг курилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 6 (олти) ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу карор кабул килиниши муносабати билан ўзидаги хужжатларга ўзгартириш киритиш, "Суъний копламали стадион"ни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат килиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу карор кабул килиниши муносабати билан ўзидаги хужжатларга ўзгартириш киритиш хамда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу карор ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи ўринбосари Т.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман хокими Ш.Негматов